



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 5 март, № 45 (4960)

Жума

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 4 март куни Оқсаройда Қозоғистон Республикаси, Туркия Республикаси ва Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Борибай Жексембин, Меҳмет Сертач Сунмезай ва Чон Дэ Ван ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошланган миссияларида муваффақият тилади, шунингдек, Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Қозоғистон элчиси билан суҳбат чоғида ўзбек ва қозоқ халқларини умумий тарих, муштарак урф-одатлар ўзаро боғлаб туриши, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги давр талабларидан келиб чиқиб, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама асосда ривожланиб бораётгани таъкидланди.

— Ўзбекистон ташқи савдосида Қозоғистон юқори ўринларда туради, — деди Борибай Жексембин. — Мамлакатларимиз ўртасида нафақат савдо-сотиқ, айти пайтда сармоялар алмашуви ҳам ривожланмоқда. Қозоғистон Ўзбекистондан қишлоқ хўжалиги, кимё sanoati маҳсулотларини, қурилиш материалларини, кўплаб бошқа турдаги товарлар ва хизматларни импорт қилади. Қозоғистон ишбилармонлари янги таклиф билан Ўзбекистонга келиш ниятида. Элчи сифатида ана шундай алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги алоқалар савдо-иқтисодий ва молиявий соҳаларда жадал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг тўқимачилик ва озиқ-овқат sanoatida туркиялик шериклар билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Биргаликда амалга оширилаётган кўплаб қўшма лойиҳалар икки мамлакат ўртасидаги сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга, ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини кўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

— Элчилик фаолиятим даврида бор куч-ғайратимни Ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга сарфлаш ниятиданман, — деди Меҳмет Сертач Сунмезай. — Аминманки, иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш учун икки томонда ҳам катта салоҳият mavjud. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини бир неча баробар ошириш имконияти бор.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар бугун ўзининг олий босқичига кўтарилган, дейиш мумкин. Президент Ислам Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига давлат ташифи асосида эришилган натижалар буни яққол тасдиқлайди. Жанубий Корея томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган сармоя 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ислам Каримовнинг Корея Республикасига ташифи асосида эришилган келишувлар амалиётга татбиқ этилган, бу кўрсаткич 5 миллиард долларга етади.

Икки мамлакат сиёсий соҳада ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида маданий-гуманитар алоқалар ҳам кенг қўламада ривожланмоқда.

— Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилганини таъкидлаш жоиз, — деди Чон Дэ Ван. — Бу ҳамкорликнинг барча жабҳаларида алоқаларни ривожлантиришга муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз миссиям даврида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга устувор масала сифатида қарайман.

(ЎзА).

ЎЗБЕКISTONGA МАФТУНЛИК ИЗЎОРИ

Германиянинг Нижний Нойендорф шаҳри маданият марказида мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси кўмагида "Буюк Ипак йўли афсоналари: Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари" мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

Нижний Нойендорф шаҳрининг маданий, илмий ва ижтимоий доиралари вакиллари иштирок этган ушбу учрашув туристик тарихий маъмуриликлар, муҳташам меъморликлар, муҳташам маъмуриликларни намойиш этиб турган қадимий Шарққа уюштирилган саёхат бўлди, дея таъкидлади.

Ўз қишлоқда у, шунингдек, мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли истиқлол йилларида иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида сезиларли ютуқларга эришилмоқда. 2009 йилда республикамизда 22 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилгани, пировардида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоизга ўсгани бунинг ёрқин далилидир.

Дунё миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз қузатилаётган ва унинг оқибатлари кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсирини ўтказётган бир пайтда бундай ютуқларнинг кўлга киритилаётгани диққатга сазовордир. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бу юртимизда бевосита Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётини мустақамлаш, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарасидир.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: корхона ишчилари Наргиза Маманазарова, Муҳаммадjon Қаюмов ва Дилноза Қурбонова маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

ЮКСАК ЭЪТИБОРНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Баҳорнинг келиши бахтнинг келиши каби сирли ва завқлидир. Илк кўклар кунлари хуш насимлар, эндигина ниш урган майсалар, лаб очган кўртлар дилларни шабнамдек тоза хаёлларга ошно қилади.

Иждоркор учун, қалам аҳли учун фаслар ичра баҳор азиздан алоҳида ўрин тўтиб келади. Чунки шоир ва ёзувчилар илҳом манбаи бўлган гўзаллик, поклик, меҳроқибат, ҳаётга, ерга, табиатга муҳаббат хисларини, энг покиза туйғуларини айнан баҳор кунларида ҳар қанчонгидан ҳам кўпроқ ва кучлироқ ҳис этади.

Айни вақтда бу йилги баҳор биз, иждоркорлар учун янада мазмунли ва тароватли бошланаётгани барчамизни хурсанд этмоқда.

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида "Иждор" фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қалбларимиздаги баҳорий қувончни, у бахш этган илҳомни юз чандон оширди, десак муболаға бўлмас. Чунки меҳр меҳрога чироқ ёққани каби, эътибор кўрган, эъзога мушарраф бўлган одам ҳам чор-атрофга ҳайрат ва ҳавас билан бо-

қадди, кўнглини эзгу хислар қўлга олади. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг маънавият, илф-қалам, қалам аҳлига доимо эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаб келаятгани калбимизни қувончга тўлдириб, мана шундай эътиборга муносиб бўлишга, бугунги ҳаётимиздаги улкан ўзгаришларни ёрқин образларда акс эттирадиган бадиий юксак асарлар яратишга даъват этади.

Сир эмас, ҳозирги кунда юртимизда маърифатли инсонни, ватанпарвар, фидойий, баркамол авлодни воёга етказишда бадиий адабиётнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Чунки тўғри ва ўтли сўз қалбларга нур каби оқиб киради, инсонга руҳий мадда беради, унинг маънавий оламини, дунёқарашини шакллантиради.

Шуни мамнуният билан

эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" деган муносабатларида иждор аҳли — шоир ва ёзувчиларимиз олдида ечимини кутаётган муаммолар ҳусусида зарур фикр-мулоҳазаларни билдириб: "Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улғуламолчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламолчи бўлсак, авваламбор, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк иждоркорларни тарбиялашимиз керак", деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурда "Иждор" фондининг ташкил этилиши, ҳеч шубҳасиз, ана шу эзгу мақсадни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Биз, иждоркорлар бу қарорни адабиётимиз, маънавиятимиз ва келажакимиз ҳақидаги юксак эътиборнинг яна бир амалий намунаси сифатида қабул қилиб, бундай ғамхўрликка жавобан Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этишга, уни улғулашга хизмат қиладиган долзарб мавзудаги, замонавий руҳдаги асарлар яратишимиз, Ўзбек адабиётининг буюк адабиёт эканини кўрсатиб беришимиз керак. Шундагина халқимиз, Ватанимиз олдидаги ғоят масъулиятли ва шарафли бурчимизни бажарган бўламиз.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

Қўли гулдир ЎЗБЕК АЁЛИН...

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазма залида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан "Қўли гулдир ўзбек аёлини..." номи кўргазма-савдо иш бошлади.

8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан ўтказилаётган кўргазма "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Агробанк"

Фармон ва ижро

акциядорлик тижорат банки, "Тасвирий ойна" иждоркорлик уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Кўргазманинг очилишида "Микрокре-

дитбанк" очик акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Жамшид Сайфиддинов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда барча соҳаларда ичкилик билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг давлат ва жамият

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

ХОРАЗМ. "Боготексервис" хусусий корхонасида тўқимачилик sanoatida ишлатиладиган қорғоз конуслар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ички бозорда янги маҳсулот

Шу пайтга қадар вилоят тўқимачилик корхоналари ушбу маҳсулотни хориждан валюта эвазига келтирар эди. Банк кредити ҳисобига ташкил этилган ушбу корхонада ойига ўртача 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Бу эса ҳудуддаги енгил sanoat корхоналари эҳтиёжини тўлиқ қоплаётди.

О. ЖУМАНИЁВОВ.

АНДИЖОН вилоятида ўтган йилги sanoat корхоналарини модернизация қилиш мақсадида 23,4 миллион АҚШ долларини миқдордаги инвестиция жалб этилган эди.

Модернизация учун сармоя

Бугунги кунда бу каби кенг қўламли тадбирлар ўзининг дастлабки самараларини бермоқда. Хусусан, Олтинқўл туманидаги "Беллона милленум" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида 100 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига ишлаб чиқариш жараёни кенгайтирилди. Янги қувватларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига бу ерда йилига уч миллион квадрат метрча гипсокартон тайёрлаш имконияти юзага келди.

О. ШОДМОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАНДАги "Саркор Ризо пойабзал" кичик корхонаси ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бормоқда.

Фаолият қўлами кенгаймоқда

Айтиш жоизки, бундан олти ой муқаддам тадбиркор Анасон Абдуллаев томонидан ташкил этилган мазкур корхона айти пайтда 50 турдан ортик маҳсулот ишлаб чиқараётди. Бунинг учун корхонага хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. 25 киши меҳнат қилаётган жамоа ўтган даврда ички бозорга қарий 50 миллион сўмлик маҳсулот чиқарди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ
ШАҲРИ

ҚИШЛОҚ ТИББИЁТИГА — ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР

2009 йилда қишлоқ
врачлик
пунктларига

1 миллион АҚШ доллари
миқдорда тиббий лаборатория
анжомлари етказиб берилди.

Энг юқори замонавий талаблар даражасидаги бу жиҳозлар қишлоқда тиббий хизмат сифатини янада юксалтиради, қишлоқ аҳолиси шаҳарлардагидан асло қолишмайдиغان тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларига эга бўлмоқда. Булар ҳаммаси Президентимиз ташаббуси билан мамлакат солиққни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳаётбахш самарасидир.



Аёл — борлиқ кўзгуси. Унинг гўзаллиги оламни чароғон этади, чуқки унинг нияти пок, ўзи пок. Шу боис уни авайлаб-асраган юртнинг келажагини порлоқ деб нақл қилишди. Шу маънода, буни Ўзбекистонимизга ва унинг бири-биридан латофатли, оқила ўзбек аёлларига нисбат қилсак, хато бўлмайди.

ДИЛЛАРДА ЯНГРАГАН ТУЙҒУ

Бу бежиз эмас. Истиклол туфайли меҳнатда бахти очилган аёллар жуда кўп. Уларнинг орасида қанчадан-қанча хунарманд онахонлар, чевар опалар, фермер аёллар, турли-туман касб соҳибалари бор. Давлатимизнинг юксак унвонларию нишонларига сазовор бўлган фидойи ва меҳнаткаш, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган аёлларимизнинг саногига етиб бўлмайди. Баъзан ана шундай қалб соҳибалари даврасида ўзимни қўярга жой тополмайман. Уларга таъзим қилгим, раҳмат айтгим келар-келди. Тўғриси, мен ҳам Истиклол шарофати ва Юртбошимизнинг кўрсатган эътибори, эъзозидан саодатга мушарраф бўлган аёллардан бириман.

ларимни ўзгартирди, интилишу мақсадларим моҳияти халқ фаровонлиги, Ватан тараққиётида эканлигини янада теранроқ тушуниб етдим. Олий Мажлис Сенатининг аъзоси бўлдим. Тошкентга келиб, Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг доимий асосда ишловчи сенатори

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

сифатида мамлакатимиз тақдирини да муҳим аҳамият касб этадиган қонун ҳужжатлари қабул қилинишида иштирок этиш бахтига эришдим. Утган беш йиллик фаолиятимизда Сенат томонидан 250 дан ортиқ Қонун кўриб чиқилди. Уларнинг ҳар бири атрофидаги тортишувлар, баҳс-мунозаралар жараёни шу қадр жўшқин кечдики, ундаги умумдават ва минтақалар манфаатлари уйғунлигини мувофиқлаштириш, муштарак жиҳатларини шакллантиришда муайян тажриба тўплашга муваффақ бўлдик. Дарҳақиқат, бугун ўзбек аёлла-

ри давлатимиз ва жамиятимизнинг юксак гамхўрлиги, ардоғи, эътиборида. Хусусан, Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўзлаб-куватлаш борасидаги қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони доирасида амалга оширилаётган ишлар аёлларнинг маънавий ва жамиятда уларнинг мақоми янада баланд поғонага кўтаришда катта имконият яратди. Чунки, "Соғлом она — соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам эт-

лов тўғрисидаги мажхуд қонунларимизга Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизлар учун қамда 30 фоиз ўрин ажратиш шарт белгилаб қўйилганлиги аёлларнинг халқимиз ишончли вакиллари сифатида фаолият юритишларига қатъий асос бўлди. Айтиш жоизки, ана шундай бекиёс кўллаб-куватлаш натижасида бугунги кунда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда хотин-қизларимизнинг қўшган ҳиссаси сезиларли даражада ортди. Масалан, 2009 йил охирида бўлиб ўтган сайловлар аёлларимизнинг сиёсий маданияти ўсганлигини, сиёсий тафаккури чқурлашганини кўрсатди. Айна пайтда янги таркибдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 33 нафарини, Сенат аъзоларининг 15 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Бу рақамлар шунчаки кўрсаткич эмас, юртимизда аёлларнинг шону шавкатини, бугунги кадр-қўшимчани билдирувчи воқеликнинг ёрқин исботидир. Мухтасар айтганда, бугун ўзбек аёлининг қалбида янграган туйғуга қулқ тутсангиз, унда беадад ризолик, шукроналарни эшитасиз. Унинг шодонлигидан хабардор бўласиз. У билан бирга қувонасиз, бахтли дамлари учун Истиклолнинг мейморига таъзим бажо келтирасиз.

Ҳамрошош ШОДИЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН...

(Давоми. Боши 1-бетда).



СУРАТДА: кўрғазма-савдодан лавҳа.

Сарвар ЎРМОҲОВ (ЎЗА) олган сурат.

қурилишидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-куватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу йўналишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат асосида хотин-қизларнинг билим ва малакасини ошириш, улар учун янги иш ўринларини барпо этиш, касанчиликни ривожлантириш, тадбиркорлик ишини бошлаш истагида бўлган аёллар учун имтиёзли кредитлар ажратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу йўналишдаги вазифалар ихросини таъминлашда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бир қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли ижтимоий лойиҳалар, грант дастурлар, семинар машғулотлар, кўрғазма-савдолар, бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этмоқда. Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Қўли гулдири ўзбек аёли..." номи кўрғазма-савдо ҳам ана

шундай тадбирлар сирасидандир.

Кўрғазма-савдонинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг доирасида миллий хунармандлик йўналишида фаолият кўрсатаётган аёллар учун ўз маҳсулотининг савдосини ташкил этиш, тадбиркорликни бошлаш, бизнес-режалар ишлаб чиқиш, имтиёзли кредит маблағлар олиш ишлари бўйича ўқув семинарлар ташкил этилади, амалий ёрдам кўрсатилади. Айна пайтда миллий хунармандлик, халқ истеъмоли буюмлари учун бўялган олиб-бериш, шартномалар имзоласи, ўз ишини бошлаш истагидаги аёлларга ҳар томонлама кўмак кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Кўрғазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ша-

рида миллий хунармандлик йўналишида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўзининг тўрт юз мингдан ортиқ маҳсулоти билан иштирок этмоқда.

— Ўнда катта кўрғазма-савдода биринчи марта иштирок этиш, тадбиркорликни бошлаш, бизнес-режалар ишлаб чиқиш, имтиёзли кредит маблағлар олиш ишлари бўйича ўқув семинарлар ташкил этилади, амалий ёрдам кўрсатилади. Айна пайтда миллий хунармандлик, халқ истеъмоли буюмлари учун бўялган олиб-бериш, шартномалар имзоласи, ўз ишини бошлаш истагидаги аёлларга ҳар томонлама кўмак кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Кўрғазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ша-

рида миллий хунармандлик йўналишида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўзининг тўрт юз мингдан ортиқ маҳсулоти билан иштирок этмоқда.

— Ўнда катта кўрғазма-савдода биринчи марта иштирок этиш, тадбиркорликни бошлаш, бизнес-режалар ишлаб чиқиш, имтиёзли кредит маблағлар олиш ишлари бўйича ўқув семинарлар ташкил этилади, амалий ёрдам кўрсатилади. Айна пайтда миллий хунармандлик, халқ истеъмоли буюмлари учун бўялган олиб-бериш, шартномалар имзоласи, ўз ишини бошлаш истагидаги аёлларга ҳар томонлама кўмак кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Кўрғазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ша-

рида миллий хунармандлик йўналишида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўзининг тўрт юз мингдан ортиқ маҳсулоти билан иштирок этмоқда.

— Ўнда катта кўрғазма-савдода биринчи марта иштирок этиш, тадбиркорликни бошлаш, бизнес-режалар ишлаб чиқиш, имтиёзли кредит маблағлар олиш ишлари бўйича ўқув семинарлар ташкил этилади, амалий ёрдам кўрсатилади. Айна пайтда миллий хунармандлик, халқ истеъмоли буюмлари учун бўялган олиб-бериш, шартномалар имзоласи, ўз ишини бошлаш истагидаги аёлларга ҳар томонлама кўмак кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Кўрғазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ша-

ЎЗБЕКИСТОНГА МАФТУНЛИК ИЗҲОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ҳукумати ўзбек халқининг тарихи, маданияти, аънава ва урф-одатларининг қайта тикланишига, тарихий ёдгорликлар ҳамда муқаддас қадамжоларни тиклаш ва реконструкция қилишга, мамлакатда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ҳамда элат вакилларининг тинчлик ва то-

тувида турмуш кечирिशларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаётганини қайд этди.

Ўзбекистоннинг аънавалари ва маданияти ҳақида сўз юритиб, немис сайёҳи ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, самими ва очик кўнгиллигига алоҳида тўхталди. "Ўзбек халқининг юксак маданиятга эга эканини, ҳатто одамларнинг ўзаро муносабатларида, катталар

ва аёлларни ҳурматлашида ҳам кўриш мумкин", деди Х. Ҳайлайин.

Тадбир давомида мамлакатимиз элчихонаси томонидан намойиш этилган Ўзбекистоннинг мейморий ёдгорликлари ва тарихий шаҳарлари ҳақидаги фотосуратлар ва видеofilm учрашув иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

«Жаҳон» АА. Германия

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида оммивий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Ёш журналистларни тайёрлаш, билим ва маҳоратини ошириш бу жараёнда муҳим ўрин тутди.

Пойтахтимизда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ихроси доирасида Ёшлар телерадиостудиялари вакиллари учун ўтказилган медиа-хафталикда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбир Ўзбекистон Электрон оммивий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Журналистлар ижодий уюшмаси ва "Келажак овози" ёшлар ташаббус-

лари маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Айна пайтда мамлакатимизнинг барча вилоятларида фаолият юритаётган Ёшлар студиялари иқтидорли йигит-қизларни журналистикага жалб этиш, уларнинг маҳоратини, кўрсатув ва репортажлар тайёрлашда замонавий телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш қўникмаларини оширишга хизмат қилмоқда. Ёшлар студиялари замонавий компьютер-техника воситалари, монтаж ҳамда бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Улар учун янги тасвирга олиш павильонлари

барпо этилган. Ҳозир 150 нафар йигит-қиз марказий ва худудий Ёшлар студияларида фаолият олиб бормоқда.

Бир ҳафта давом этган семинар-тренингларида ёш ижодкорлар янги ва но-аънавий усулларда кўрсатувлар тайёрлаш, уларни маълуман бойитиш бўйича билимларини оширди. Давлат ва нодавлат телеканалларининг тажрибали журналист ҳамда мутахассислари иштирокчиларга муаллифлик кўрсатувларини тайёрлаш, долзарб мавзуларни танлаш, тасвирга олиш ҳамда монтаж жараёни ҳусусида атрафлича маълумотлар берди. Ўтказилган амалий машғулотларда ёшлар эгалланган назарий билимининг амалда намойиш этилди, турли мавзуларда кўрсатув ва роликлар тайёрладилар.

(ЎЗА).

Қарор ва ижро

Урганч шаҳрида одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят идоралар-ро комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» жамғармаси ва бошқа қатор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ислохотлар ижод давом эттирилмоқда. Хусусан, инсон қадр-қўimmatига таҳдид солувчи трансмиллий жиноят — одам савдосининг олдини олиш бўйича салмоқли ишлар олиб борилаётди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш самараларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борда муҳим дастуриламла бўлмоқда.

Ҳар йили дунёда тахминан 2,7 миллион киши ушбу чегара билмас жиноят қурбонига айланаётгани таассуфлидир. Оқибатда минглаб аёллар ва болалар алдов қурбонига бўлмоқда. Хоразм вилоятида ҳам бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадига ҳуқуқтартиб идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда одам савдосига қарши курашиш самараларини ошириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ ва маҳалла-ларда, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказилган давра суҳбатлари ва учрашувларда одам савдосининг янгилик оқибатлари кенг тушунирилмоқда. Утган йили Хоразм вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ушбу жиноятдан азият чеккан фуқаролар томонидан 500 дан зиёд ариза келиб тушди. Шундан 187 ҳолат бўйича жиноят содир этилгани тўғрисидаги факт исботини топди. Айбдор деб топилган шахслар тегишли тартибда жиний жавобгарликка тортилди.

Тадбирда бундай янгилик ҳолатларга йўл қўймаслик учун жойларда хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғинлари раислари ва масола-ҳатчилари тушунтириш ишлари кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Аҳолининг, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш одам савдосига қарши курашишнинг самарали усулларидан биридир. Утган йили вилоятда 60 миңдан зиёд фуқаро қафолатли иш ўрни билан таъминланди. Аммо бу йўналишдаги ишлар барча шаҳар ва туманларда ҳам яхши ташкил этилган, деб бўлмайди. Айрим туманларда касаначиликни ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмапти.

Йиғилишда ушбу камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши ушқоқлик билан курашиш, аҳоли ўртасида ҳушёрлик ва сергаклик янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Комиссия йиғилишида Хоразм вилояти ҳокими О. Олпабергенов сўзга чиқди. Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎЗА мухбири.



СИФАТ ВА СУРЪАТ — КОРХОНА САЛОҲИЯТИ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда саноатнинг муҳим тармоқларидан бири — енгил саноат тизими жадал ривожланмоқда. Тизимдаги корхоналарнинг техник ва технологик жиҳатдан янгила-ниши, уларга хориж инвестицияларининг жалб этилиши, шунингдек, янгидан-янги қувватларнинг ишга туширилиши бунда муҳим омил бўлаётти. Маҳаллий хом ашёни ўзимизда қайта ишлаш имконияти яратилаётди. "Ўзбекенгилсаноат" дав-

лат акциядорлик компания-сидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили республикамиз бўйича 17 та тўқимачилик корхонаси ишга туширилиб, 2 та корхона қайта модернизация қилинди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати ошиб, йил давомида жами 136 миллиард сўмлик халқ истеъмоли ҳамда 680,1 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди.

Янги йўл туманидаги "Plasteks" масъулияти чекланган жамияти 2009 йилда тўла қувват билан иш

бошлади. Италия ва Швейцария давлатларидаги "Luva", "Jossi", "Uster" сингари етакчи фирмаларнинг замонавий дастгоҳлари билан жиҳозланган мазкур корхона йилига 6 миң тонна пахтадан 5200 тонна қалава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Эътиборлиси, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар асосан экспорт қилинмоқда.

— Ўтган йили 3 миллион 516 миң АҚШ доллари миқдоридида маҳсулотни четга сотган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткичи янада оширишни мўлжаллаяпмиз, —

деди корхона директори Аскар Иноғомов. — Негаки, Мустақиллик байрами арафасида корхонамизнинг иккинчи линияси ишга туширилди. Шу мақсадда хориждан замонавий ускуналарни олиб келиб, жиҳозлаш ҳаракатидамыз. Қўшимча қувват шарофати туфайли эса корхонамизда йилига 8500 тонна пахта қайта ишлаш имконияти яратилди, икки оз нафар ёш йигит-қиз янгидан иш бошлашди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларида бошлаб бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қурилиш ашёлари бўлган эҳтиж маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан таъминланиши мазкур жараёни янада жадаллаштириб, пировардда шаҳару қишлоқларимиз ўзига қиёфа касб этиб бормоқда. Бунда, айниқса, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йил якунига бағишланган мажлисида таъкидлаганидек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш борасида олиб борилаётган саз-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Курилиш саноати:

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси туфайли ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати янада яхшиланыпти. Бу эса экспорт салмоғи қўлайлигини ҳам таъминлаётти. Утган йили 97,4 миллион АҚШ долларлик маҳсулот хорижга сотилиб, белгиланган режа тўлиқ бажарилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Албатта, бу каби муваффақиятларга ўз-ўзиндан эришилган йўқ. 2005 — 2009 йиллар мобайнида 119 та лойиҳа рўёбга чиқарилгани ички ва ташқи бо-

зорда рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш имконини кенгайтириб юборди. Бунда Юртбошимизнинг тармоқни ривожлантиришга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлари дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Шу ўринда юртимизда бевоқифа Президентимиз ташаббуси билан бошланган ва ҳозирда жадал суръатлар билан бориб келиш жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржойлар қурилиши алоҳида таъкидламоқ жоиз. Зеро, ушбу жараёни юртимиз бунёдкорлари фаолияти-

да ёрқин саҳифа, деб баҳоласак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз. Қишлоқларимиз кўркига кўрқ қўшиб қад ростлаган мазкур уйлар шу кунларда ўз эгаларига топширилиш арафасида. Жорий йилда бу ишлар кўлами янада кенгайди. Энг муҳими, уларнинг бари республи-

ка миқдорли хориж сармояси учта — "Бекободцемент" акциядорлик жамиятида клинкер ишлаб чиқариш тизимини модернизация қилиш, янги тизимни қуриш билан биргаликда, "Кнауф Гипс Бухоро" масъулияти чекланган жамиятида гипсокартон маҳсулотларини ишлаб

чиқаришни ташкил этиш ҳамда "Раҳнамо-Нур" қўшма корхонаси томонидан Қорақалпоғистон Республикасида 1 млн. тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга завод қурилишига йўналтирилди.

Қолаверса, янги қувватларнинг ишга туширилаётгани ҳам бу борда яхши самара берапти. Утган вақт ичида компания тизимида Қашқадарь вилоятидаги йилига миң тонна гипс ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган "Саховат", Навоий вилоятидаги 7 миң тонна оҳак тайёрлашга мўлжалланган

Ислохот

"Октошпроинвест" масъулияти чекланган жамияти, шунингдек, республикамизнинг турли худудларида 6 та шифер ва 15 та гишт ишлаб чиқарувчи йирик заводлар шулар сирасига кирди.

Бундан ташқари, корхоналарда замонавий технологияларнинг жорий этилаётгани, энергия қувватлари тежалиб, қурилиш учун зарур хом ашёларнинг қўшимча манбаларидан фойдаланилаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Хуллас, айна пайтда юртимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишларида ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Унинг қўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётди. Табиийки, бу қурилиш материаллари бўлган талабни ҳам ошираяпти. Компания тизимида олиб борилаётган ишлар эса ана шу эҳтиж ва талабни қондиришдек эзгу мақсадга қаратилган.

Ислохот

"Октошпроинвест" масъулияти чекланган жамияти, шунингдек, республикамизнинг турли худудларида 6 та шифер ва 15 та гишт ишлаб чиқарувчи йирик заводлар шулар сирасига кирди.

Бундан ташқари, корхоналарда замонавий технологияларнинг жорий этилаётгани, энергия қувватлари тежалиб, қурилиш учун зарур хом ашёларнинг қўшимча манбаларидан фойдаланилаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Хуллас, айна пайтда юртимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишларида ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Унинг қўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётди. Табиийки, бу қурилиш материаллари бўлган талабни ҳам ошираяпти. Компания тизимида олиб борилаётган ишлар эса ана шу эҳтиж ва талабни қондиришдек эзгу мақсадга қаратилган.

Ислохот

"Октошпроинвест" масъулияти чекланган жамияти, шунингдек, республикамизнинг турли худудларида 6 та шифер ва 15 та гишт ишлаб чиқарувчи йирик заводлар шулар сирасига кирди.

Бундан ташқари, корхоналарда замонавий технологияларнинг жорий этилаётгани, энергия қувватлари тежалиб, қурилиш учун зарур хом ашёларнинг қўшимча манбаларидан фойдаланилаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Хуллас, айна пайтда юртимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишларида ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Унинг қўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётди. Табиийки, бу қурилиш материаллари бўлган талабни ҳам ошираяпти. Компания тизимида олиб борилаётган ишлар эса ана шу эҳтиж ва талабни қондиришдек эзгу мақсадга қаратилган.

Аҳмадjon ХЎЖАЙЛОВ, «Ўзқурилишматериаллар» акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Океан ҳудудларида яна зилзила

Тайванда Рихтер шкаласи бўйича 6,4 балли зилзила рўй берди, дейилади "AFP" ахборот агентлиги хабарида. Унинг таъсири мамлакатнинг барча ҳудудларида сезилган.

Табиий офат оқибатида поездлар қатнови тўхтаб қолган, айрим шаҳарларда кучли ёнгин келиб чиққан, электр таъминотида узилиш юз берган. Ҳозирча жабрланган ёки қурбон бўлганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Шунингдек, Тинч океанининг бошқа бир ҳудуди — Чили давлати атрофида ҳамон сейсмик фаоллик кузатилаётган. Жумладан, қача ушбу мамлакатда ҳам яна бир ер силкиниси қайд этилди. Бу гал унинг кучи 6,1 баллини ташкил қилган. Мазкур ҳолат, табиийки, аҳоли ўртасида саросима келтириб чиқарди. Чунки ўтган ҳафта якунида бу ерда содир бўлган 8,8 балли зилзила оқибатида 800 нафардан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмганди.

Иш ҳақи камайган

Ўтган йили Германия аҳолисининг иш ҳақи миқдори пасайган.


"DW-WORLD" телеканалнинг Федераль статистика бошқармаси маълумотларига таяниб тарқатган хабарига қараганда, бундай ҳолат сўнгги 65 йил ичида илк бор кузатилаётган. Хусусан, мамлакатда йиллик ўртача иш ҳақи 27 648 евро-ни ташкил этган. Бу аввалги йилдаги нисбатан 0,4 фоизга камдир. Мутахассислар бунга жаҳон молиявий-иқтисодий



инқирознинг таъсири, шунингдек, аҳолининг иш вақтидан ташқари қўшимча меҳнат билан шуғулланиши таққулаб қўйилгани асосий сабаб бўлган, дея ҳисоблашмоқда.

Реклама берувчилар кўпаймоқда

Интернет тармоғидаги энг оммабоп сайтлардан бири — "Фэйсбук" 2009 йилда 700 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ишлади.



Сайт ташкилотчилари ўтган йилнинг кузидаёқ йилни зарарсиз якунлашлари ҳақида маълум қилишганди. Бу тахмин ўзини оқлагани қолмасдан, ҳатто даромад чўғи 2008 йилдаги нисбатан қарийб икки баробар юқори бўлди. Жорий йилда эса "Фэйсбук" бир миллиард доллардан зиёдроқ маблағ орттиришни кўзлашти. Буларнинг барчаси рекламанинг самарали йўлга қўйилгани билан боғлиқ.

Хозирда "Фэйсбук" фойдаланувчилари сони 400 миллион кишидан зиёдроқ. Шу сабабли унга реклама берувчилар ҳам тобора кўпайиб бораёпти.

Янги автомобиллар намоиши

Женевада 80-халқаро автомобиллар кўргазмаси иш бошлади.


Бу галги тадбир рамзий маънода "Иқтисодий инқироз ва "яшил" технологиялар" деб номланди. Унда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан қарийб 200 та компания қатнашмоқда. Намойиш давомида юзга яқин янги русумдаги автоуловларнинг тақдими ўтказилиши режалаштирилган. Хусусан, "Peugeot", "Audi", "Ferrari" ҳамда "Porsche" компаниялари томонидан тақдим этилган атроф-му-

ҳитга безарар машиналар ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўргазмада, шунингдек, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг автоконцернлар фаолиятига таъсири ҳам атрофича муҳокама қилинаёпти.



Экспорт баракаси

Жорий йилнинг февраль ойида Ироқда нефть экспорти ҳажми кунига 2,069 миллион баррелни ташкил этган.



Манбада келтирилишича, бу 1990 йилдан буён кузатилган энг яхши кўрсаткичдир. Шу ўринда айтиб ўтамоқ, Ироқда ҳар кун 2,4 миллион баррел "қора олтин" казиб олинади. Мамлакат нефть захиралари бўйича Саудия Арабистони ва Эрондан кейин дунёда учинчи ўринда туради.

Қаҳва ва юрак

Қаҳва истеъмол қилганда киши юрагининг бир маромада уриши бузилар экан.

Бу АҚШлик олимлар олиб борган тадқиқотлар натижасида маълум бўлди. Унга қўра, аччиқ қаҳвани ичиш аритмия (юракнинг нотекис уриши)ни келтириб чиқаради. Тадқиқот

ишлари 130 мингдан зиёд 18-90 ёшдаги эркек ва аёл ўртасида ўтказилган. Кузатув ишлари якунида эса 3317 нафар иштирокчи аритмия ташҳиси билан шифохонага ётқизилган.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Само жисмлари ва улар билан боғлиқ ҳодисалар азал-азалдан инсониятни қизиқтириб келган. Масалан, сайёрамиздаги ҳаёт давомийлигини таъминлашда муҳим восита ҳисобланган Куёшга оид қарашларни олайлик: "У қачонлардир сўниши мумкинми? Куёш бўлмаса нима бўларди? Унинг фаоллиги Ерга қандай таъсир кўрсатади?" қабилдаги саволларга жавоб топиш йўлида ҳамisha изланишлар олиб борилган. Йиллар ўтди, замонлар ўзгарди, фан ва технологиялар ҳаётимизга чуқур кириб келгач, бу борадаги тасавурлар илмий жиҳатдан ўз асосларини топа бошлади.

ҚУЁШ ФАОЛЛИГИ ТАБИИЙ ЖАРАЁН

Куёш юқори даражада ионланган газ шар бўлиб, асосан водород (тахминан 75 фоиз) ва гелий (тахминан 25 фоиз) элементларидан таркиб топган. Куёш спектрида 80 га яқин элементнинг чизиги кўринади, улар бир фоиз атрофида. У ўлчами бўйича сайёрамиздан 109 марта, массаси бўйича эса 333 000 марта катта. Куёш ички (ядро, нурий зона, конвектив зона) ва ташқи (атмосфераси: булар фотосфера, хромосфера ва тож) қисмлардан иборат. Энергия манбаи унинг марказида юз берадиган ядро реакцияларидир. Тўртта водород атоми бириктириш натижасида бир атом гелий ҳосил бўлади ва бунда 26 миллион электрон вольт энергия ажралиб чиқади. Куёш қаърида ҳарорат 14 миллион даража, сиртида эса 6000 даража, лекин юқори қатламлари томон бу кўрсаткич ҳам ошиб боради. Мисол учун, тож қатламида бир неча миллион даражагача етиши мумкин. Куёш жуда катта водород захирасига эга бўлиб, у ҳозирга қадар ўтган 5-6 миллиард йиллик умри давомида ушбу манбанинг ярмини ҳам сарфлагани йўқ. Тахминий ҳисоб-китобларга қўра, куёш яна беш миллиард йил нур сониб туриши мумкин. Айрим олимлар бу муддатни етти миллиард йил, деб ҳам айтишмоқда. Бундай фикрлар сўнгги йилларда коинот моддасини асосан қўра, яъни кўринмайдиган модда ташкил этиши кашф қилингандан сўнг ўртага чиқа бошлагани.

Куёш юзида доғсимон тўзилмалар кўринади. Улар 11 йиллик давр оралайди кўпайиб, камайиб туради

ва бунга Куёш фаоллиги, дея таъриф берилади. Яқинда интернет манбаларида бир хабар тарқалди: эмишки, 2012 йилнинг 22 сентябрида Куёшда катта портлаш юз беради. Натижада Ергадаги барча электр станциялари ишдан чиқади. Аслида бундай ҳодисалар Куёш фаоллиги билан боғлиқ бўлиб, уларни олдиндан айтиш ҳақиқатдан бир оз йироқ.

Куёш фаоллигининг бир неча қайтарилиш даври бўлади, айниқса, кўб ёғдуларини келтириб чиқарувчи, қиска даврли, ионланган Куёш моддасининг Ерга таъсири ва унинг оқибатларини тахмин қилиш жуда мушкул. Айтиш жоизки, Куёш фаоллигининг узоқ даврли қайтарилиш пайтида, яъни фаоллик энг паст кўрсаткичга тушганда унинг энергияси камайиб, Ергага ҳароратнинг пасайишига олиб келган бўлса, фаоллигининг энг юқори нуқтаида турли хил геофизик жараёнлар (ер силкиниси, курғоқчилик, эпидемиялар каби) кузатилади. Лекин уларнинг ҳеч бири глобал фожияни келтириб чиқармаган.

Энди яна ўша 2012 йил 22 сентябрда рўй бериши мумкин бўлган Куёш "бўрони"га тўхталас. Ҳозир унинг фаоллиги дастлабки, яъни оддий бошланиш (биринчи доғ чи-

қиши ва унинг кейинги ривожланиши) давридаки, бундай пайтда глобал фожияни келтириб чиқариши мумкин бўлган тахминларни илгари суриш (ҳатто сунъий йўлдошлар маълумотларига таянилган бўлса ҳам) мантиққа тўри келмайди. Чунки Куёш фаоллиги 2007 йил-

Фан олами

дан буён энг кичик кўрсаткичда давом этмоқда. Яъни ушундан бери унда деярли доғлар кузатилмади. Бундай узоқ муддатли паст даражадаги фаолликдан кейин эса бирданги юқори даражадаги фаолликка ўтиш ҳолати қайд этилмаган. Демак, 2012 йилда бўлиши тахмин қилинаётган Куёшдаги кучли портлаш ҳам у даражада ҳавфли тус олмайд.

Юқорида айтганимиздек, Куёш фаоллигининг охиши ундаги доғлар сонига қараб белгиланади ва у Вольф сони (жорий қилган шахс номи билан боғлиқ) билан ўлланади. Ушбу жараён мунтазам кузатила бошланганидан буён рўй берган ҳодисаларга эътиборингизни қаратсак, 1859 йилда Кўёшдаги Вольф сони 100 атрофида бўлган бўлса, 1989 йилда рўй берган Квебек

воқеасида мазкур кўрсаткич 170 атрофида бўлган. Аммо 1958 (Вольф сони 180) ва 1959 (160) йилларда ҳам фаоллик юқори бўлганини эслаб ўтиш лозим.

Агарда Куёшда шундай портлаш юз берса, Ернинг ўзини ўзи химоя қилиш хусусияти (барча электростанцияларнинг ишдан чиқишига сайёрамиз магнитосфераси йўл қўймайди) борлигини ҳам унутмаслик керак. Шунинг учун хавотирланишга асос йўқ.

Маълумки, Куёшнинг ёритиш қуввати ўзгариши Ерга иқлим ўзгаришига сабаб бўлади. Шу тўғрисида яна бир қилишга тик тушаётган буржаниш куввати 200 йилдан буён махсус асбоблар ёрдамида ўлчаб келинади. 1978 йилда сайёрамиз сунъий йўлдошига махсус асбоб (радиометр) ўрнатилди ва унинг ёрдамида мунтазам ўлчувлар бошланди. Кейинчалик бу "ACRIM I" (Solar Maximum Mission), "ACRIM II" ва "ACRIM III" ёрдамида бажарилиди. Бугунги кунда Куёш нуралиши қуввати "VIRGO" (SOHO) номи ўлчаш асбоби ёрдамида олиб борилмоқда.

Охириги йилларда яхши астрономияга эга жойларга йирик Куёш телескоплари ўрнатиш устида иш олиб борилмоқда. Америка мил-

лий Куёш обсерваторияси бошчилигида режалаштирилган ва ҳозирги кунда Америка оптик заводларида ясалаятган илгор технологияларга асосланган Куёш телескопини Гавайи оролларидан биридаги баланд тоғ чўққисига ўрнатиш кўзда тутилган. Қўёшдаги тез ўзгаришчан жараёнлар ва ундан фазога отилиб турадиган моддаларни "Корона" сунъий йўлдоши ҳам тадқиқ қилмоқда. У асосан, тождаги тузилмаларни ўрганишга мўлжалланган. Ўзбекистонлик олимлар ҳам (проф. И. Сатторов бошчилигида) Тошкент шаҳрида ва Қашқадарё вилоятидаги "Майданак" ноёб илмий объектидаги телескоплар ёрдамида Куёш атмосферасидаги ўзгаришларни кузатишмоқда. Шунингдек, сунъий йўлдош маълумотлари асосида Куёш шамоли, Куёш фаоллиги ва унинг Ергага жараёнлар билан боғлиқлиги масаласи ҳам тадқиқ қилинмоқда.

Албатта, Ергага геофизик жараёнларга Куёшнинг таъсири бор, лекин уларга табиий жараён, деб қараш лозим.

Чори ШЕРДАНОВ, ЎФА Астрономия институти докторанти.

Бухоро томонларда

Когон шаҳар Бандликка кўмаклашувчи маркази шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ташкил этди.

ИШГА ЙЎЛЛАМА

Биринчи навбатда ёшлар, хотин-қизлар, олий ўқув юртлири ва коллежлар битирувчилари ҳамда ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларни иш билан таъминлаш мақсадидан ташкил этилган ушбу тадбирда 64 та корхона ва ташилот ўзларидаги 250 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмарка якунида 105 нафар киши ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлди.

ИМПОРТГА ЭЪТИЁЖ КАМАЙМОҚДА

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Бухоро шаҳридаги "Бухоро Баҳор" қўшма корхонасида кир ювиш воситаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айтиш лозимки, муассаса шифкорлари ушбу замонавий ускуна ва жиҳозлардан унумли фойдаланишмоқда. Бундан ташқари, травматология, гинекология, урология ва нейрожароҳлик амалиётларини муваффақиятли бажараётганликлари эътиборлидир. Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири. СУРАТДА: муассаса фаолиятдан лаҳза. Ҳосан ПАЙДОВ олган сурат. И. ИБРОҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ХИЗМАТ СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислохотлар тўғрисида аҳоли саломатлигини сақлаш сифати тубдан яхшиланиб, салмоқли натижалар кўлга киритилмоқда. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Навоий вилояти филиали фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Ушбу муассасага келган киши бу ерда яратилган шароит ҳамда турли жиҳоз ва ускуналарни кўриб, қониқчи ҳосил қилиши шубҳасиз. Масалан, қабул-диагностика бўлимини олиб кўрайлик. Бу бўлимада беморларни функционал, эндоскопик, рентген-диагностика, биохимик, ультравушли ускуналар воситасида тўлиқ текширувдан ўтказиш йўлга қўйилган. Айтиш пайтда уларга методик ёрдам кўрсатилмоқда.

— Шифохонамиз "Toshiba" ва "Medolog" рентген жиҳозлари, "Кардиофакс" ЭКГ аппарати, "Medolog" электроэнцефалографи, "Nagashima" лор-комбайни, "Kone-Pro" биохиманализатори, "Skreening" ва "Master plus" ионоселектив анализатори, "Freseius" сунъий буйрак аппарати, жарроҳлик лапароскопи каби замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган, — дейди мазкур муассасанинг даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари Олимжон Азимов. — Ислом тараққиёти банки кредити ҳисобига хориждан келтирилган рақамли металл рентген, сунъий нафас бериш ускунаси ва жарроҳлик жиҳозларининг ҳам самараси катта бўлмоқда. Айтиш лозимки, муассаса шифкорлари ушбу замонавий ускуна ва жиҳозлардан унумли фойдаланишмоқда. Бундан ташқари, травматология, гинекология, урология ва нейрожароҳлик амалиётларини муваффақиятли бажараётганликлари эътиборлидир. Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири. СУРАТДА: муассаса фаолиятдан лаҳза. Ҳосан ПАЙДОВ олган сурат.

Тиббиёт

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат ХАЛҚ БАНКИНИНГ максадли, пул-буом ютуқли, тиражли лотереясининг IV чикарилиши бўйича ютуқлар тиражи 2009 йил 25 декабрь кунни Самарқанд шаҳрида ўтказилди.

Лотереянинг IV чикарилиши бўйича ўтказилган ютуқлар тиражи якунига қўра, Халқ банкнинг барча муассасалари томонидан пул ва буом ютуқли лотерея билетлари узлуқсиз равишда тўловга ҳамда экспертизадан ўтказиш учун қабул қилинмоқда.

Мазкур лотереянинг шарти қоидаларига асосан, ютуқли лотерея билетлари ютуқлар тиражи расмий жадвали матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб уч ой давомида Халқ-Банки муассасалари томонидан тўловларга қабул қилинади.

Юқоридегиларни инобатга олиб, ютуқли лотерея билетлари 2010 йил 29 мартга қадар қабул қилинишини маълум қиламиз. Ушбу муддатгача банкка тақдим этилмаган ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва қайд этилган санадан сўнг тўловга қабул қилинмайди.

1820/216

Alliance Insurance СУГУРТА ТАШКИЛОТИ

Қурилиш-монтаж ишларини сугурталаш



Келажагингиз ҳақида ALLIANCE INSURANCE билан қайғуринг

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод к., 35 Тел.: (8-371) 120-71-00, факс: 120-70-01. www.a-insurance.uz хизматлар лицензияланган.

Ташкилот

янги бўлмаган, яхши ҳолатдаги «ЗИЛ-157» русумли автомобиллар, «ГАЗ-71» русумли, занжирли, хар қандай йўлда ҳам юра оладиган машина (вездеход), шунингдек, занжирли чопиқ тракторларини сотиб олади. Телефон: (+998 90) 357-84-85. Факс: (+998 71) 233-59-08.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 236-09-25

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Материаллар қаршилиги, механизм ва машиналар назарисы кафедрасы катта ўқитувчиси Тоҳир МАҲКАМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этди.

SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way. Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАЛАНГАН. HYUNDAI Official Partner www.hyundai.com.uz Tel. (8-371) 250-11-11

Халқимизнинг фахри ва гурурига айланган Хива ўзида 2500 йилдан ортиқ тарихни мужассам этган очик осмон остидаги музейдир. Мустақиллик йилларида Хива шаҳри қайта таъмирланди. Янгича чирой, ўзгача салобат, кўркамлик касб этди. Унинг 2500 йиллик тўйи халқаро миқёсда тантанали нишонланди. Ҳозирги кунда шаҳардаги 140 тадан ортиқ меъморий обида кўз қорачиғидек асралаяпти.

БЕТАКРОР ОБИДАЛАР ЖОЗИБАСИ

Бу осориётиқларимизни сақлаш, умрини узайтириш, келажак авлодга янада гўзал қилиб етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Хива "Ичан-Қалъа" давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонасининг жамоаси тарихий обидаларни таъмирлаш, янги музейлар ташкил этиш, музейлар фондини бойитиш, қадимий шаҳар тарихини ўрганиш ишларига бор куч-ғайратларини сарфлашаёпти. Айни пайтда музей-қўриқхонанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника билан бойитиш, музейлар фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда унинг 19 та бўлимида бу ерга ташриф буюрувчиларга 5785 тадан ортиқ қадимий экспонатлар намойиш этиляпти.

Музей-қўриқхона ходимлари томонидан олиб борилган 19 та бўлимида бу ерга келган сайёҳлар сони 70105 нафарга етди. Уларнинг 34 минг нафарга яқини хорижий сайёҳлардир.

Сайёҳларни ўзига жалб этаётган жозиба бу ердаги тақрирланмас нақш гулбарзал, осмонлар миноралар, сержилло обидалардир. Ушбу

биан бойиди. Ҳозирда бундай тадбирлар жадал давом эттириляпти.

Шулар қаторида меъморий обидаларни таъмирлаш ишлари ҳам доимий эътиборда. Музей-қўриқхона маблағи ҳисобидан Тош ҳовли, Жума масжиди, Муҳаммад Амин Инок мадрасалари таъмирланиб, ободонлаштирилди.

Кадрият

Матпанбой мадрасаси таъмирланиб, Авесто бўлимининг янги экспозицияси очилди. Қутли Мурод Инок мадрасаси ҳам таъмирдан чиқарилиб, унда "Хоразм тасвирий санъати" ва бошқа кўргазмалар яратилди. Оғахий уй-музейининг янги экспозициясини ташкил этишда методик ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Музей-қўриқхона ходимлари кенг илмий жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаб, ўз атрофига воҳа олимлари, тадқиқотчилар, мутахассислар, умуман олганда, кенг жамоатчиликни бирлаштирган. Тарихчи олимларнинг "Хива хонлиги тарихидан", "Ҳазрати Полвон ота", "Абадият фарзандлари" рисоалари, "Ўзбекистон фотоальбому" нашр қилинганлиги фикримиз далилидир.

Тадбир

ЎШЛАР ДАВРАСИДА

Самарқанд шаҳрида «Хуқуқий етуклик баркамолликка эллади» мавзусида ёшлар билан мулоқот ўтказилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ Адлия вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, соҳа мутахассислари, шаҳардаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчи ҳамда ўқувчилари иштирок этди.


Мулоқот чоғида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилинганнинг 17 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йилгилишдаги маърузасида ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб камол топтириш борасида белгиланган вазифалар, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида бу борада қўзда тутилган чора-тадбирлар, шунингдек, ёшларнинг хуқуқий билим ва тушунарларини ошириш, улар ўртасида жиноятчилик ҳамда хуқуқбузарликнинг олдини олиш каби долзарб масалалар хусусида сўз юритилди.

Шу билан бирга, бола хуқуқлари кафолатларига оид қонунчилик, вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларда тадбиркорлик кўникмалари ва солиқ маданиятини шакллантириш, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида маърузалар тингланди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ф. ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири.

НОЁБ ТОПИЛМА



Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номидаги вилоят музыкали драма театри худудини ободонлаштириш мақсадида олиб борилётган қазилар ишлари чоғида бундан бир неча минг йиллар аввал яшаган, шу пайтга қадар фанга номаълум бўлган йирик жонзотнинг бош суяги топилди.

ОБ-ҲАВО (5 март)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 0-5 даража иллик, кундузи 10-15 даража иллик бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Баъзи худудларда вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 3-8 даража иллик, кундузи 13-18 даража иллик бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 3-8 даража иллик, кундузи 13-15 даража иллик бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Ҳарорат тунда 4-6 даража иллик, кундузи 13-15 даража иллик бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

МУҲТАРАМ ОНАЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР! КАДРЛИ ТАДБИРКОР АЁЛЛАР!

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

сизларни Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан самимий мубораққод этади.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш борасида юртимизнинг барча худудларида фаол иш олиб бораётган «Микрокредитбанк» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида юқори фоизли, ҳар бири ўзига хос имтиёз ва қулайликларга эга бўлган кўплаб омонат турларини жорий қилди.

Янги ташкил этилган «Баркамол авлод» омонати йилимизнинг асл мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган бўлиб, бир йил муддатга қабул қилинади ва фоиз тўловлари омонатчига ойма-ой тўлаб борилади.

Юқори фоизли «Буюк келажак» ва «Она диёр» омонатларига маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар ойма-ой тўлаб борилади.

«Оила хазинаси» омонатига маблағлар бир ойдан тортиб 12 ойгача муддатга қабул қилинади ва унинг фоизлари барча коммунал хизмат тўловлари учун йўналтирилиши мумкин.

Банкнинг олти ой муддатли — «Навбахор», уч йилгача муддатли — «Капитал» сингари юқори фоизли омонатларига маблағ қўйган фуқароларимиз фоиз суммаларини олишмаса, ушбу фоизлар омонатга ойма-ой кўшиб борилади, яъни капитализация қилинади. Пенсия ёшидагилар учун

мўлжалланган «Фахрий» омонат жамғармасининг ҳам худди шундай имтиёзлари бор. Шу билан бирга, мазкур депозитга маблағлар узлуксиз жамғариб борилади.

Банк ўзининг муддати 15 йилгача бўлган махсус омонатларини ҳам таклиф қилади. Хусусан, «Умид» омонати меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар учун қулайлик бўлса, «Гулгунча» омонати вояга етмаган болалар учун аталган ва унга маблағлар узлуксиз қабул қилиб борилади.

Беш ой муддатли «Кафолат» ҳамда бир йил муддатли «Ишонч плюс» омонатларига эса маблағлар АҚШ долларларида қабул қилинади.

Банкнинг пластик карточкалар орқали фаолият кўрсатадиган юқори фоизли «Хазинакарт» омонати энг қулай ва замонавий омонат жамғармаси ҳисобланади.

Шунингдек, банк томонидан яна «Меҳр», «Чашма», «Истиқбол» ва «Универсал» сингари жами — 20 турдаги жамғармаларга омонатлар қабул қилинмоқда!

Банкда 15 кунликдан тортиб 15 йиллик муддатгача бўлган омонатлар жорий этилган!

Омонатга қўйган маблағингиз Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига асосан давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари буйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари таъминланади.

Қадрли мижозлар!
«Микрокредитбанк» омонатларидан фойдаланиб, ўз жамғармаларингизни кўпайтиринг!

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:
(8-371) 273-28-11, 273-05-87, 150-56-28.

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 63895 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган кўабмаалар таъриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материаллари

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улугмуродов.
Мусахҳх — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.12 Топширилди — 22.30 1 2 3 5